



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 25-dekabr, chorshanba * № 51 (1163)

ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛАРИ САЙЛОВЛАР БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАРИНИ БИЛДИРИШДИ

22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, сайловда умумий сайловчиларнинг (18,7 млн.) 71,1 фоизи (13,3 млн.) қатнашган.

⇒ 2-бет

ИНСОН ЭРКИГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта миқдорни ташкил этмоқда. Ҳар йили жаҳон миқёсида тахминан 2.700.000 киши ушбу жиноят жабрланувчисига айланмоқда.

⇒ 3-бет

МИБНИНГ "АЙБЛОВ ҲУКМИ"

У ерда мени яна бир "сюрприз" кутаётган экан. Мен МИБга беш оқлад жарима ва чироқни ёқтириш учун икки оқлад тўлашдан ташқари яна туман электр таъминот идорасига уч миллион атрофида, аниқроғи 2 938 300 сўм жарима тўлашим лозимлигини маълум қилишди.

⇒ 5-бет

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Расмий қабул

ТОШКЕНТ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси (ЕХХТ ПА) раиси Георгий Церетелини қабул қилди. Бугунги кунда 2019-2020 йилларда ЕХХТ Парламент ассамблеяси билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги сайловларни кузатишда илқ марта ушбу тузилманинг элликка яқин вакилидан иборат делегацияси иштирок этаётгани қайд этилди. ЕХХТ ПА раиси Ўзбекистоннинг ассамблеядаги иштироки ЕХХТга аъзо давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни мустақамлаш доирасида мамлакатнинг манфаатларини илғари суришда янги имкониятлар очганини таъкидлади.

Буюк адиб сиймоси

Бу йил ўзбек романчилик мактаби асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Кунги кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида улуғ бобокалонимиз таваллудининг 125 йиллигига бағишланган "Абдулла Қодирий ва ўзбек адабий тили" мавзуда илмий конференция ўтказилди. Конференцияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Низомиддин Махмудов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, академик Наим Каримов, Озарбайжон Миллий Ёзувчилар бирлиги драматургия кенгаши раиси Фироз Мустафо, Қирғизистон Республикаси Миллий Ёзувчилар уюшмаси бошқарув кенгаши аъзоси, шоир ва таржимон Бегижон Аҳмедов, филология фанлари докторлари Сувон Мели, Хуршид Дўстмуҳаммад ва Баҳодир Карим Абдулла Қодирий яшаган давр ва адиб ижодий фаолиятига бағишланган маърузаларини конференция иштирокчиларига ҳавола этишди.

Замонавий қиёфага эга кутубхона

НАМАНГАН. Вилоят Ахборот-кутубхона марказида катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилди.



Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан 10 миллиард, маҳаллий бюджетдан 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Замонавий қиёфа касб этган бинода "Booksafe", янги адабиётлар кўргазма зали, медиа ва интернет, хорижий ёзувчилар асарларини ўқиб-ўрганиш учун "Дўстлик" ўқув зали, "Ўзбекистон", "Ёшлар" ва "Илмий" деб номланган ўнлаб заллар ташкил қилинди. Уларнинг ҳар бири замонавий андозалар асосида жиҳозланди.

Нигериялик фирибгар Нукусдан пул ундирди

КОРАКАЛПОГИСТОН. Нукус шаҳридаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Г.П. интернет тармоғи орқали Марк Роберт исмли шахс билан танишиб қолган. Нотаниш шахс унга АҚШда жойлашган нуфузли компанияга ишга кириштириб қўйишини айтиб, ишончига кирган. Бунга ишонган содда фуқаро июнь-август ойлари мобайнида ҳужжатлар, виза, йўлқира ва бошқа «ҳаражатлар» учун жами 165 миллион 323 минг сўм пул маблағини халқаро пул ўтказмалари орқали Нигерия давлатидаги ҳисоб-рақамларига ўтказиб юборган. Фирибгар эса шу кунга қадар берган ваъдасининг устидан чиқмаган. Айни пайтда бу шахсни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилиб, ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатирилган.

Уз муҳбирларимиз.



Орзулари бир олам болалар қувончи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "Кўнгул кўзи" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Совғалар карвони" хайрия акцияси фарғоналик ўқувчиларга қувончли онларни бахш этди. Янги йил байрами шуқуҳи кезиб юрган кунларда ўтказилган тadbир меҳр ва эътиборнинг шодийенаси бўлди.

Фарғона вилояти кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 130 ва унинг Кўкюн шаҳар филиалида 68 ўқувчи тахсил олмоқда. Қўришда нуқсон бўлган бу ўғил-қизлар учун барча шароит яратилган бўлиб, таълим-тарбия сифатини ошириш доимий эътиборда. Улар орасида истеъдодли ёшлар жуда кўп. Турли танловлар ва спорт мусобақаларида доимо фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга кириштириб келмоқда.

Мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Аҳадхон Кимсанбоев ана шундай иқтидорли ёшлардан бири. У болалигидан шахматга қизиқиб, унинг сирасорларини астойдил ўрганди. Тинимсиз меҳнати туфайли бугун турли мусобақаларда қатнашиб, голиблар сафидан муносиб ўрин эгалламоқда. Аҳадхон шахмат бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони ҳамда Халқаро шахмат академияси шугўланувчиси дир.

— Инсон олдига битта мақсадни қўйиб, чин юракдан ҳаракат қилса, албатта эришади, — дейди А.Кимсанбоев. — Буни ўзимнинг ҳаётимда ҳам кўриб турибман. Маълумиятларга ҳеч қачон таслим бўлмасликка ҳаракат қиламан. Шахматни ўргатган устозларимдан миннатдорман. Янги йил байрами арафасидаги бу совғалар эса бизлар учун катта тўғфа бўлди. Бундай эътибор бизни янги марралар сари руҳлантиради.

Мактаб-интернат ўқувчилари учун байрам тadbiri ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори К.Алламонов, директор ўринбосари С.Мирзиёева иштирок этди.

Таълим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида таълим тизимидаги муаммолар, амалга оширилаётган ишлар, лойиҳалар ҳусусида маълумотлар берилди.

2100 умумтаълим мактаби ўқувчиларидан бирорта ҳам ўқувчи ОТМга кирмаган

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаровнинг кайд этишича, Сирдарё вилоятида алоҳида лойиҳани амалга ошириш юзасидан ишлар бошланган. — Вилоятни таълим сифати бўйича намунали ҳудудга айлантириш юзасидан амалий чоралар кўриляпти, — деди Алишер Умаров. — Бунда вилоятдаги 12 минг 261 нафар ўқитувчини тестдан ўтказиш юзасидан тақлиф берилди. Тестлар Давлат тест маркази томонидан тайёрланди. Биринчи ўринда, "Давлат тилини улар қай даражада билади?", деган савол ўртага ташланди ва синаб кўрилди. Аниқлиси, натижада ўқитувчиларнинг 90 фоизга яқини давлат тилини яхши билмаслиги маълум бўлди.

Шу ўринда иккинчи томонини ҳам таъкидлаб кетиш жоиз, бизда умумтаълим мактабларида давлат тили қай даражада утилади ва кириш имтиҳонларидаги тестлар қай аҳволда? Аниқки, институтга кириётганларга қўйилган талаблар бошқача. Буни ҳатто ўқитувчилар ҳам яхши тушунамас экан. Шу боис ҳам ўқитувчиларимиз мана шу имтиҳондан ўтолмайди. Фан ўқитувчилари ўз фани бўйича тестдан ўтказилди. Лекин ижобий баҳо олганлар жуда кам. Уларнинг 66,8 фоизи абитуриентларга қўйилган талабларни бажара олмаётгани кўриниб қолди. Бу ачинарли ҳол.

Аваллари текширувчилар келиб, мактабларда нимани текширгани маълум. Энди бундай бўлмайди. Энди ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши учун чоралар кўрилади. Талаблар ўзгаради. Ёмон баҳо олиб, аттестациядан ўтолмас, у ишдан кетмайди. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал режа асосида ўз устида ишлаши учун имконият яратилади.

Юртимиздаги барча умумтаълим мактабларидан қанча ўқувчининг бу йил олий таълим муассасасига кирган-кирмагани ўрганилди. Қарийб 10 минг мактабдан 2 минг бир юзтасида бирорта ҳам ўқувчи ўқишга киролмаган. Бу таълим сифати билан боғлиқлиги ҳисобга олиниб, ўша мактаблар фаолияти таҳлил қилинапти.

Бундан ташқари, она тили фани бўйича ўқувчилардан олинган диққат ёшиш топшириғида пойтахт ҳудудлар бўйича ҳисобланганда савод даражаси рейтингидан энг охириги ўринда турибди. Бу Тошкентдаги она тили фани ўқитувчиларига бўлган талабни ўзгартириш кераклигини кўрсатяпти, — дейди Алишер Умаров.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
Манба: uza.uz

➤ Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги

... Аксарият содда, жўн асарларни тушуниш, ҳазм этиш анча осон: уларда қаҳрамонлар яхши ва ёмонга, ижобий ва салбийга аниқ ажратиб берилди. Бугун кўргуликларнинг сабабчиси — салбий образлар бўлса, жамики эзгуликлар фақат ижобий қаҳрамондан қўтилади. Бундай китобларнинг дастлабки бобларидаяқ хотиманинг шарпаси кўриниб-сезилиб туради. (Шуниси таассуфлики, бутунжаҳон ўқувчи оммаси орасида айнан шунақа "асар"ларнинг ишқибозлари сафи тобора кенгайиб бормоқда...)

Унутмак осонмас уларни

Дунё адабиётининг мумтоз намуналарини ўзаро бирлаштирувчи кўплаб хусусиятлар ичиде эса бир муҳим жиҳат алоҳида ажралиб туради. У ҳам бўлса, мазкур асарларда қаҳрамонлар тақдири, воқеалар ечими, бутун ҳикоядан ҳосил бўладиган хулосада, у ёхуд бу персонажни, ёхуд ҳолатни сабабчи — айбдор қилиб кўрсатишининг имкони

йўқлигидир. Дейлик, И.Гёте-нинг "Фауст", М.Достоевский-нинг "Ака-ука Карамзовлар" ҳамда "Жиноят ва жазо", Л.Толстойнинг "Анна Каренина", Э.Ремаркнинг "Уч оғайни" сингари асарларидаги воқеа-ҳодисалар айнан шундай ечимлар топишида у ёки бу қаҳрамонни "ғуноқор" қилиб белгилаш осон иш эмас. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг "Фа-



➤ Мулоҳаза

Тошкент мегаполис шаҳарлар қаторига қачон киради?

Мамлакатимиз кун сайин улкан индустрия ўлкасига айланиб бормоқда. Шаҳарларимиз янгитдан чирой очиб, серҳашам бинолар, кўп қаватли иморатлар кўркам қиёфа касб этаётир... БМТнинг сўнги маълумотларига қараганда, Токиода 37 миллион, Деҳлида 29 миллион, Шанхайда 26 миллиондан кўпроқ, Мехико ва Сан-Паулу 22 миллион аҳоли истиқомат қиладди. Улар мегаполис шаҳарлар қаторига рўйхатга олинган. Энг қизиғи, бу шаҳарларнинг йўллари кенг ва равонлигидан энгил машинада бемалол шаҳар айланиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, пойтахтимиз Тошкентда уч миллионга яқин аҳоли яшайди. Келиб-кетувчилар, рўйхатсиз яшаётганлар бундан мустасно. Лекин беихтиёр: "Нега пойтахтимиз кўчаларида одамлар бемалол машинада юролмайдими?" — деган савол туғилади. Ҳали биронта хориждан келган турист энгил машинани ижарага олиб, шаҳар айланганини эшитмадик (балки дуч келмагандиримиз).

► Сайлов — 2019

Халқаро матбуот марказида сайлов натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашларга сайловлар демократик талаблар асосида бўлиб ўтганини қайд этди.

Сайлов натижалари қандай бўлди?

Сайловга икки йил мобайнида тайёргарлик кўрилгани, қонунчилик халқаро талаблар асосида такомиллаштирилгани, сайловда очиқликни таъминлаш учун барча шароитлар яратилгани тadbирнинг юқори савияда ташкил этилишида муҳим роль ўйнади.

Энг муҳими, фуқароларнинг жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси ошгани, фаол фуқаролик позицияси шаклланиши бутун сайлов жараёнида яққол сезилиб турди.

Сайловчиларга овоз бериш учун барча шароитлар таъминланди. Хориждаги юрtdошларимизга максимал

қулайликлар яратилди. Илгари консуллик рўйхатида турганларгина овоз берган бўлса, бу сафар барчага овоз бериш имкони берилди. Қирққа яқин мамлакатда ташкил этилган алик бешта сайлов участкасида 112 минг 411 сайловчи овоз берди.

Кунги кеча сайловда 71,1 фоиз сайловчи иштирок этганини маълум қилган эдик. Овозларни санашдан кейинги аниқ ҳисоб-китобларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларида 13 миллион 963 минг 627 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизидир.

Сайлов давом этаётган пайтда турли масалаларда аҳолидан мурожаатлар тушиб турди. Хусусан, МСК веб-сайтига келиб тушган 300 тадан ортик мурожаатлар қисқа муддатларда кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда қолдирилган мурожаатларнинг 150 таси ҳам ижобий ҳал этилди. Ушбу мурожаатлар бўйича сайловчинини бошқа сайлов участкасидан олиб ўз участкасига бириктириш каби ишлар амалга оширилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 сайлов округининг 128 тасида депутатлар сайланди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 43 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан — 35 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан — 21 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 18 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан — 11 нафар депутат сайланди.

Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярми-



дан кўпининг овозини, яъни 50 фоиздан ортик овоз олган номзод депутат этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округларда номзодларнинг бирон-таси ҳам етарли миқдорда овоз ололмагани сабабли мазкур округлардан депутат сайланмади. Мазкур округларда такрорий овоз бериш жараёни ташкил этилади.

Этиборлиси, Ўзбекистонда ўтган сайлов жараёни халқаро кузатувчилар, жаҳон жамоатчилиги шаффоф тарзда, демократик талаблар асосида ўтганини эътироф этмоқда.

дан кўпининг овозини, яъни 50 фоиздан ортик овоз олган номзод депутат этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округларда номзодларнинг бирон-таси ҳам етарли миқдорда овоз ололмагани сабабли мазкур округлардан депутат сайланмади. Мазкур округларда такрорий овоз бериш жараёни ташкил этилади.

Этиборлиси, Ўзбекистонда ўтган сайлов жараёни халқаро кузатувчилар, жаҳон жамоатчилиги шаффоф тарзда, демократик талаблар асосида ўтганини эътироф этмоқда.

Дастлабки натижалар эълон қилинди.

Қайси партия ғолиб бўлди?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлган сайловлар натижасини Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига

Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 43 нафар, парламентга энг кўп депутат сайланган партия бўлди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 35 депутат сайланди.

Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясидан 21 депутат сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 18 депутат сайланди.

Ўзбекистон Экологик партиясидан эса 11 депутат сайланди.

Ушбу сайловларни 1150 нафар хорижий ОАВ вакиллари кузатиб борди. 22 та сайлов округида эса такрорий овоз бериш ўтказилди.

Партия етакчилари сайловлар бўйича хулосаларини билдиришди

22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, сайловда умумий сайловчиларнинг (18,7 млн.) 71,1 фоизи (13,3 млн.) қатнашган.

Сийёсий партиялар раҳбарлари «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида ўтган сайлов жараёни ҳақида ва унда аҳолининг иштироки борасидаги ўз фикрларини билдиришди.



Ахтам ХАЙТОВ,
Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг раҳбари:

«Фикримча, сайловлар ёмон ўтмади. Ундаги жараёнлар очиқлик, конструктивлик ва барча партиялар учун тенг имкониятлар принциплари асосланди. Шунингдек, бу сайловлар молиялаштиришнинг янги тизими ва кодекс асосида ўтди.

Эътирозли ҳолатлар бўйича штабимиз ишлаётган ва бу ҳолатлар ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиляпти.

Сайловда сайловчиларнинг иштироки масаласига келсак, илк бор ҳаётийликка яқин келди, десам бўлади. Тез орада энг сўнги рақамлар ҳам айталади».

Алишер КОДИРОВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раҳбари:



«Фикримча, бу Ўзбекистон тарихида ўхшаши йўқ сайлов бўлди. Си-

фат, жараёнларга умумий ташкилий тайёргарлик, ОАВнинг муносабати бўйича ҳам. Бу Ўзбекистон учун катта қадам деб ҳисоблайман.

Бу сайлов, ундаги жараёнлар очиқ, шаффоф рақобатга бой, партиялар бир-бирини очиқ танқид қила олган ва том маънодаги электоратнинг ижобий маънодаги рақобатли мунозараларига бой майдонни пайдо қилиб берди. Аслида ривожланиши пайдо қилувчи муҳит мана шундай бўлади.

Агар биз барчамиз масалага бир кўз билан қарайверсак, муаммоларни бир кўз билан кўраверадиган бўлсак ва уларнинг ечимлари бўйича ҳаммамиз ўлчанган бир хил гапларни гапирадиган бўлсак, ривожланиш бўлмаганининг намуналари бизда етарлича. Шу нукта назардан, бу сайловлар жамият учун янгилик бўлди.

Биз муаммоларни айтганда, уларни муҳокама қилганимиз ва партиялар ўша муаммоларга турли ечимлар беришти. Берилаётган тақлифларнинг қандайлиги ва уларнинг савияси иккинчи масала.

Албатта, ҳали сайловлар кўп, лекин мана шу сайловлар халқ билан ҳокимият орасидаги конструктив мулоқотни шакллантирган сайлов сифатида тарихда ўз ўрнини қолдиради.

Бу сайловлар барча ютуқ ва камчиликлар билан ўзимизники. Биз ривожланиш йўлига кирдик. Шуниси билан у менга қадрли.

Сайловчилар иштироки ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу жуда яхши. Менга хорижлик кузатувчи савол берди, нега сайловчилар сони сизларда доим баланд, деб. Мен айтдим, аслида халқимиз сайловларни яхши кўради.

Халқимиз — масъулиятли, сайловларда қатнашмаганларнинг фикрини ҳам шахсий бир қарор сифатида ҳурмат қилиш керак.

Менимча, бу Марказий сайлов комиссияси келтирган рақам сайловлар шаффоф ўтганини кўрсатувчи натижадир».



Наримон УМАРОВ,
«Адолат» Социал-демократик партиясининг раҳбари:

«Бу йилги сайловлар очиқлик, ошқоралик руҳида ўтганини алоҳида таъкидлаш керак. Бундан ташқари, ушбу сайловлар барчанинг диққат марказида бўлди. Барча фуқароларимиз сайловлар, партиялар ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Бу халқимизда мазкур жараёнларда дахлдорлик ҳисси ортганини билдиради.

Кўпчиликнинг дилини хира қилувчи турли қонун бузилиш ҳолатлари ҳам очиқлик ва ошқоралик сабаб юзага чиқди. Афсуски, бу каби ҳолатлар участка сайлов комиссиялари аъзоларининг етарли даражада тайёргарликдан ўтганини, айрим ўринларда эса партия кузатувчиларнинг нофоалиги натижасида юзага келди.

Сайловларда аҳолининг 67,8 фоизлик иштирокини ҳам шу очиқлик натижаси деб биламан. Яъни, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари, блогерларнинг фаол иштироки туфайли кўп жойларда оилавий овоз беришларнинг ҳамда норéal рақамлар ҳақида маълумот берилишининг олди олинди.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Халқ демократик партиясининг раҳбари:



«Халқ демократик партиясининг лаволди дастури халқчил бўлиши учун 2017 йилда тайёргарлик жараёни бошлаган. Бу йилги сайловнинг ўзига хос жиҳати сийёсий партияларга ўз гою ва ташаббусларини жамоатчилик орасида тарғиб қилиш учун кенг имкониятлар бўлди. Очиқ майдонлардаги тар-

ғибот тadbирларида, оммавий ахборот воситалари орқали ўтказилган дебатларда партиялараро гоюлар кураши акс этди. Бу кўппартиявийлик тамойилини янги босқинга кўтаришда долзарб аҳамиятга эгадир.

Бу йилги сайловнинг муҳим ютуқли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда халқимизнинг сийёсий-ижтимоий фаоллиги ошгани, ҳуқуқий хабардорлик даражаси кўтарилгани яққол сезилди.

Номзодлар билан учрашувларда мамлакат келажаги, халқ фаровонлиги билан боғлиқ кўплаб саволлар берилди. Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёнида партияимиз халққа янада яқинлашди, ташаббусларимиз ҳаётий эканига, уларни амалга ошириш учун қатъиятли бўлишимиз зарурлигига яна бир бор амин бўлдик.

Хулосам шуки, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар табиий ривожланиш ва юксалиш йўлига чиқди. Бу жараён янги авлод сийёсатчилари етишиб чиқишига мустаҳкам замин ҳозирлади».

Борий АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон Экологик партиясининг раҳбари:



«Бу сайлов бизга катта мактаб бўлди. Ҳам камчиликлар устида ишлаш, ҳам янги мақсадларни пухта белгилаб олиш учун.

Нима бўлганда ҳам, ёш партия сифатида куч, имкониятимизни максимал кўрсатиб бера олдик, бунга ҳаракат қилдик.

Шу пайтга қадар туман, шаҳарларда вакилларимиз йўқ эди. Энди бизнинг ҳам жойларда вакилларимиз, депутатларимиз бор.

Бугундан бошлаб биз янги ҳаёт тарзига ўтганимиз ва бу бизга ҳам халқимиз, ҳам берган ваъдаларимиз учун виждонимиз олдида синов.

Албатта, жараёнда қонун бузилиши ҳолатлари ҳам бўлди. Биз бу ҳолатларни таҳлил қиламиз.

Қайтараман, қийин жараёнлар биз учун мустаҳкам жамоани шакллантириб бера олди.

Сайлов жараёнида иштирок этганлар сонига келсак. Бу яхши ҳолат, деб ҳисоблайман, чунки у мана энди ҳақиқий рақамларга асосланди».

Айрим ҳудудларда сайловлар ўтказилишида қонун бузилиши содир этилгани ҳақидаги маълумотларга Бош прокуратура расмий БАЁНОТИ

Бош прокуратура томонидан ижтимоий тармоқларда Айрончи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Этак» 15-сайлов округидан туман халқ депутатлари кенгашига ўз номзодини қўйган Ф.Боймирзаевдан мажбурий равишда ўз номзодини қайтариб олиш ҳақида ариза ёздириб олишаётганлиги тўғрисида тарқалган хабар текширилди.

Текширишда, Ф.Боймирзаев Халқ депутатлари Косон тумани кенгаши депутатлигига номзод сифатида кўрсатилган бўлиб, унинг номзоди сайлов бюллетенидан олиб ташланмагани ва қонуний равишда сайловларда депутатликка номзод сифатида иштирок этганлиги аниқланди.

Ижтимоий тармоқларда Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 10, 23 ва 142-сонли сайлов участкалари ишига ноқонуний аралашиб, жумладан, ҳокимлик мутасаддилари маҳалла раисларига муайян номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳақида топшириқ берганлиги билан боғлиқ маълумотлар тарқатилиб, ушбу ҳолат Бош прокуратура томонидан текшириляётганлиги тўғрисида маълум қилинган эди.

Ушбу ҳолат бўйича текшириш ўтказилиб, бирон-бир шахс томонидан юқоридаги сайлов участкалари ишига ноқонуний аралашганлик ҳолатлари тасдиқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими.

► Сўз кузатувчиларга

Муҳаммад Ризо Маждий:



ЎзА муҳбири Осиё парламентлараро Ассамблеяси Бош қотиби, эронлик Муҳаммад Ризо Маждийнинг мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида ўтган навбатдаги парламент сайловларининг халқаро аҳамияти хусусидаги фикрларини ёзиб олди:

«Авалламбор, мени Осиё парламентлараро Ассамблеяси Бош қотиби сифатида Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга тақлиф этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига, мамлакат парламенти ва бутун ўзбек халқига ташаккуримни изҳор этаман.

Ўзбекистоннинг сайлов ўтказиш тажрибаси, кўп партиялилик сайловлар, ва айниқса, бу йилги Ўзбекистон Президентини жаноб Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мутлақо янгича шакл ва мазмун касб этган парламент сайловлари Осиёнинг кўпгина давлатлари парламентлари учун катта тажриба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кеча мен Тошкент шаҳридаги 5 та сайлов участкаси ва битта сайлов округида бўлдим. Барчаси халқаро талаблар даражасида ташкил этилган. Шунга яраша сайловчилар ҳам овоз беришда фаол иштирок этишди. Умид қиламанки, янгидан шаклланидиган парламент нафақат Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилади, балки Осиё парламентлараро Ассамблеяси фаолияти доирасида китъада парламентаризм соҳасини ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшади.

Маълумки, бутун дунёда парламент сайловларида қатнашадиган аҳолининг ўртача миқдори 50 фоизга тенг. Демак, Ўзбекистонда кайд этилган 70 фоизга яқин кўрсаткич, биринчидан, фуқаролар фақат ўз хоҳиш-иродасига биноан овоз берганликларидан, иккинчидан эса сайлов натижалари тўла ҳаққоний, мутлақо табиий эълон қилинганлиги кўрсатади.

Сайловларда 5 та партиядан вакиллар қатнашди. Шу партиялар фаоллигини кўчи парламент шакллантирилса, сайловда галаба қозонган номзодлар биргаликда Ўзбекистон тараққиётини таъминлашга, умумий мақсадларга эришишга ёрдам берадиган бўлса, ишончим комилки, кейинги сайловларда қатнашиш физи ошади.

Осиё парламентлараро Ассамблеяси китъа миқёсидаги парламентлараро ҳамкорлигини янада кучайтиришни мақсад қилган. Бу жараёнда биз Ўзбекистондаги сайлов тажрибаларини чуқур ўрганиб, хулосалардан умумий мақсадда фойдаланишга, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга тайёрмиз.

Муҳаммад Рашид бин Ҳаснон:



ЎзА муҳбири Самарқанддаги сайловларни кузатиб борган Малайзия Парламенти Вакиллар палатаси спикери ўринбосари Муҳаммад Рашид бин Ҳасноннинг таассуротларини ёзиб олди:

«Мен Ўзбекистондаги сайловларда илк бор халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Самарқанд вилоятидаги овоз бериш жараёнига гувоҳ бўлдим, сайловчилар учун яратилган шарт-шароитлар, фуқароларнинг ушбу тadbирга муносабати ва бошқа турли жиҳатларга эътибор қаратдим. Шу билан бирга менда Ўзбекистондаги сайловларни Малайзияда ўтадиган сайловлар билан таққослаш имкони ҳам пайдо бўлди. Тўғриси, сайлов участкаларидаги қулайликлар, турли тоифадagi фуқаролар учун яратилган шароитлар менда яхши таассурот қолдириди.

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг бир овозга эга бўлишини таъминлаш мақсадида Ягона электрон рўйхат шакллантирилгани ҳам ушбу сайловнинг ижобий жиҳатларидан биридир. Шу ўринда кейинги сайловларда замонавий ахборот технологияларидан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини кидириш мумкинлигига ҳам эътибор қаратдим.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш савияси жуда юқори эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Аксарият сайлов участкалари таълим муассасаларида ташкил этилгани ташкилий томондан ишчи анана осонлаштиргани кўриниб турибди.

Менимча, нима учун сайловчиларнинг 90 фоизи сайловларда қатнашмади, деб ташвишлинишга ҳожат йўқ. Zero, кўнгилли равишда овоз бериш кўрсаткичи 70 фоизга яқинлашгани бу халқаро миқёсда яхши, ҳатто аъло кўрсаткич.



Тошкент мегаполис шаҳарлар қаторига қачон киради?

Тошкент — мамлакатимиз пойтахти, унинг кўркми ва сокин бўлишини ҳаммамиз истаимиз. Кейинги йилларда пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорликларга ҳаммамиз ҳаваси келмоқда. Биргина қурилиши жадал кетаётган "Тошкент Сити"даги гўзал манзаралар Ватанимиз остонаси бўлган азим кентимизнинг чиройи кундан-кунга очилиб бораётганидан далолат беради. Лекин энг катта шахримизнинг марказий йўллари учун ҳали қилинажак ишлар кўп. Йўлларнинг айримлари олти қаторли, қолганлари эса тўрт-уч қаторли. Машиналар кўпчилигидан уч полосали йўлда беш қатор бўлиб ҳаракатланиш оддий ҳолга айланган. Бир-бирига тегиб кетадигандек уяроётган уловларни кўриб, баъзан хавотирга тушасан киши.

Айниқса, кўпгина иншоотлар, бозорлар, муҳташам савдо бинолари, айрим ташкилотларнинг олдидан ўтган катта йўлнинг биринчи қаторини эгаллаб турган энгил автомашиналар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса автотранспортларнинг йўл қайдасига амал қилиб ҳаракатланишига жиддий тўсиқ бўлиш билан бирга, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу кунларда кўп қаватли турар-жой биноларини қуриш мўмай даромад манбаига айланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо шу биноларда яшайдиган аҳоли учун қулайликлар яратиш ҳам биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифадир. Пойтахтдаги кўпгина иморатлар катта йўлга тақалиб қурилган, бунинг устига, автотураргоҳлар учун махсус жой ажратилмаган. Борлари ҳам уч-тўрт квартал учун биттадан қурилган.

Натижада, одамлар автоуловини ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг ёнида қолдиришмоқда. Бу ерга кексалар, ёш болалар, ногиронлар уйда сиқилган пайтлари ҳовли айланган уй чикишади. Йўлакларга тақаб қўйилган машиналар бунга имкон бермайди. Энгил машиналарнинг 70-80 фоизи эса энгил ёқили ҳисобланган метан гази билан юради, бу ёнғин хавфини келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Корхона ва ташкилотлар учун қурилатган баъзи иморатлар ҳам айнан катта йўл чеккасида, бир-бирига жуда яқин қилиб қурилгани автотураргоҳлар барпо этишига етарлича имкон бермаётганини кўрсатади. Аслида ушбу кўп қават-

ли бинолар, ташкилот офислари, савдо марказлари, турар-жойлар лойиҳасини яратаётган мутахассислар автоуловларнинг махсус тураргоҳлари учун жой ажратиши ўта муҳим масала бўлиб қолмоқда. Негаки, ташкилот ва корхоналарда ёки хусусий фабрика, заводларда ишлайдиган ходим ва хизматчиларнинг деярли ҳаммасида машина бор. Албатта, одамларимиз оила бюджетидан ортириб энгил автоулов сотиб олаётгани мақтовга лойиқ. Аммо...

Айрим ташкилотта иш билан бориб қолсангиз, бир-бирига қапишиб турган машиналар орасидан йўл топиб, идора эшигига етиб боришингиз қийин кечади. Хатто бинога кириш йўлаги олди ҳам энгил машиналар билан тирбанд бўлади. Эшик ёнида турган хизматчиларнинг "фалон ташкилот шуми?" — деб сўраш учун овоз кучайтиргич қарнай керак. Яқинига бориб сўрай десангиз, йўл адоғидан "разворот" қилиб, бино тагидаги йўлакчадан юриб келиш керак. Шундай нуфузли ташкилотларда машина тураргоҳи йўқлиги хайратлангирди кишини.

Собиқ иттифоқ даврида аҳолининг машина сотиб олишига имкони йўқ эди. Имкон яратиш хатто раҳбарларнинг кейинги режасида ҳам бўлмаган, шу сабаб машина тураргоҳлари учун жой ажратишга (собиқ МҚга тегишли ташкилот ва идора-лар бундан мустасно) унчалик эътибор қаратилмаган. Бунинг таъсири айрим шаҳар қурилиши ва ободонлаштириши лойиҳалаш ташкилотларида ҳали ҳам сезилаётгани ажабланарли ҳол.

ТЎХТАМАНГ, ТАКИК БЕЛГИСИ БОР!

Тўғриси айтганда, йўл ҳаракати қодалари белгилари юз фоиз керакли жойга ўрнатилган, деб бўлмайди. Бунга мисол, Алишер Навоий, Шота Руставели, Амир Темури, Халқлар дўстлиги сингари марказий кўчаларга туташ кўчаларда ҳаракатланадиган йўловчи ташувчи автобусларнинг, ёнғин жазираси-ку майли, аммо кишиқировли кунларда ҳам катта йўлга чиқиб олгунча, хайдовчининг пешонаси терлаши тайин. Йўлнинг торлигидан ташқари, йўлнинг четидан турнақатор турган энгил машиналар ўтиш масофасини янада тор қилиб қўйган.

Айниқса, серқатнов кўчаларда "йўл четидан тўхташ мумкин эмас" белгиси турса-да, барибир автоуловлар қаторлаштириб қўйилма-

ради. Иккинчи йўлакдан келаётган автомобиль секинлаб ўтишга мажбур, сал қалтис ҳаракат қилса, савлат тўкиб турган машинанинг орқасидан туртиб ўтиши мумкин. "Чилонзор деҳқон бозори" қарама-қаршисидаги дўконда савдо қиладиган танишим:

— Ҳар кун шу аҳвол, хатто ўзимиз йўлакда ҳам эҳтиёт бўлиб юрамиз. Баъзида йўл-патрул хизмати ходимлари тартибга олгани келиб қолади, фақат шу кун одамлар пидедалар йўлагидан бемалол ўтиб-қайтади, машиналар ҳам энгил ҳаракатланади. Тикчилар бўлмайди. Лекин "облава" тугагач, яна "эски тос, эски ҳаммом"лигича қолаверади, — дейди.

Тақси ҳайдайдиган қўшним бор, у ҳам нолиб қолади: — Шаҳарнинг кўпгина марказий кўчаларидаги бозорлар атрофида биронта автотураргоҳ йўқ! Нима қилиш керак? Хайдовчиларнинг ҳам оиласи бор, рўзғори бор, бозор-ўчар қилгани келади-да, машинасини илжосизликдан йўл четига қўяди. Қанийди, махсус тураргоҳ бўлса, тинчгина олиб бориб қўярди. Ва хотиржам бозоримизни қилардик.

ЭТИКА ҲАММА ЖОЙДА КЕРАК

Баъзида шундоқ автобекатга келиб тўхтаган энгил машина эгаси бекатдаги пайнет ёки озиқ-овқат дўконига кириб, шошилмасдан ўз юмушини бажаради. Йўловчи автобус эса бекатга киргунча сигнал босаверади-босаверади, машина эгаси пинак бузмайди. Албатта, бу хайдовчи этикасига тўғри келмайди. Хорижий давлатларда бу ўта маданиятсизлик ҳисобланади. Аслида хайдовчилар ҳам бир-бирларини ҳурмат қилишни ўрганишлари керак.

Катта йўлнинг чеккасига машинасини қолдириб, ўзи иш жойига ёки бирон юмуш билан идорага кириб кетган хайдовчи, хотиржамми, ахир катта йўл, қатнов кўп. Айниқса, энди хайдовчилик гувоҳномасини олиб, машина бошқараётганлар кўп. Бирортаси эҳтиётсизлик қилиб машинасини уриб олса, унга ҳам жабр. Энди: "Нега машинангизни таққиланган жойга қўйдингиз", десангиз, дарров: "Қаерга қўйди, парковка йўқ-ку!" — дейди.

Махсус машина турар-жойи бўлмагач, қонун-қоидага амал қилиш ҳам сал чекинади-да! Аслида қондан бузиш қонунга нисбатан бепи-сандлики билдиради. Бунинг устига кўпгина йўл транспорти хо-

салари айнан қоидага риоя қилмаслик натижасида юз беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, пойтахтдаги Сергели, Яққасарой, Чилонзор ва Учтепа туманларидаги айрим савдо мажмуалари, бозорлар ёнида автомобиллар тўхтаб туриши учун махсус жой қилинган, буни қарангки, аксар хайдовчилар барибир машинасини катта йўл ёқасига қўйишади. Балки бу уларга қизиқдир. Албатта, автотураргоҳлар пуллик, яна компьютер соатига ҳисоблайди. Лекин жуда қimmat эмас, бу ерда машина эгаси ё пулини қизғанади, ё вақтини, ё қоида бузиб ўрганиб қолган. Нима бўлганда ҳам йўл ҳаракати қоида-сига ҳар ким риоя қилиши шарт.

Чунки тўхташ ёки тўхтаб туриш таққиланади ёки шунга ўхшаш, қоидасини бузган шахсдан энг кам иш ҳақи ҳисобидан уч баравар кўпроқ миқдорда жарима ундирилади. Энди ўзингиз ҳисоблаб чикинг, бир марта қоида бузсангиз, марҳамат тўлаб қўйин! Агар яна пулингиз кўп бўлса, яна қоида бузсангиз, жарима бор-йўғи беш-ўн баробар ошиши мумкин. Лекин оила бюджетига каттагина зарар келтирмаясиз, ҳисоб-китобни тўғри олган шахс ортик қоида бузишга журъат қилмас керак.

Ички Ишлар вазирлиги ҳисоботида кўра, қондан ҳадеб бузаверган айрим хайдовчиларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган. Шунга ҳам қарамай гуё атайлаб қилгандек, яна қондан бузиб жазо меҳнатига юборилганлар ҳам бор экан. Ҳа тўғри, "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", дегани шу бўлса керак-да...

ЗАМОНГА ҚАРАБ ЯШАШ ШАРТИ

Собиқ совет иттифоқи даврида кўп қаватли турар-жойларнинг бир бурчагида "машина гаражи" учун жой ажратишарди, "машина олдинги, пулини тўлаб, "гараж" ҳам сотиб ол!" — дейиларди. Нима бўлди-ю, машина "уй"лари қимларгадир ёқмай қолди, дарров қарор билан буз-бузга тушишди, шунча темир маҳсулот эгасини топиб кетди. Урнига янгиси қурилмади ҳам.

Ҳозир айрим оилаларда отада алоҳида, онада ва болада алоҳида автоулов бор. Кейинги пайтларда боласининг тўполонидан безор бўлиб, ховлида ўйнаб келиши учун рухсат берган она: "Ҳой, ана у машинага яқинлашма-я, фалончиники, узок юр! Тинчлик керак!" — деган бақириб-чақирилар кўп эшитилиб қолапти. Бола ҳайрон, у қаерда ўйнасини, катта йўлга чиқма, йўлакдан юрма, майдончангни маҳалла раиси автотураргоҳ қилиб, кўни-кўшига сотган, эгаси бор, кўзинга кара, деган танбеҳни хар кун эшитган бола: "эй, бор-ей", дейди-да уйда ўтириб телевизор кўради (кўзга зиёни бор, аммо тинч) ёки қўл телефондан алламбало файлларга кириб тўтруксиз кино томоша қиладди. Бунинг устига, хатто ота-она ҳам тинч: ҳар тугул боласи уйда ўтирибди, беҳавотир уй юмушини қилверади. Боласи нима билан банд, қизиқмайди...

Одамларнинг қўша-қўша машина олаётгани, албатта, яхши, оила юмушига ярайди, улов-да, оғирини энгил қиладди. Бундан ташқари, рўзғорболи бўлса, яна яхши. Ростда, эски замонда ҳам от-араваси борларга кўни-кўшининг иши тушган, "бой"лардан ҳисобланган... Нима бўлганда ҳам, шаҳар қурилиш мутасаддилари серқатнов йўллар чеккасидан ҳашаматли иморатлар қуриш лойиҳасини тайёрлаётганида автоуловлар тураргоҳларини замонавий, хушбичим қилиб барпо этишга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бир марта йўл қондаси тартибининг бузган хайдовчи иккинчи марта бузишдан тап тортмайди, ўрганиб қолади. Балки бу кимгадир манфаат келтирар, аммо аҳоли учун ташвишдан бошқа нарса эмас.

Президентимиз қучли жамятдан қучли давлат сари йўл фаровон келажимиз асоси эканини кўп бор таъкидлайдилар. Аммо атрофдагиларнинг менинг ўз кўзлаган йўлим бор деб билганича ҳаракат қилиши ҳеч бир даврда ўзини оқламаган...

Юсуф ЖўРАЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Одам савдоси

Мамлакатимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини англамаган ёки осон йўл билан пул топиб, турмуш кечирини истайдиганлар турли ноҳуш вазиятларга тушиб қолаётир. Бу эса дунё миқёсидаги глобал муаммо — одам савдоси жинояти билан шуғулланувчиларга қўл келмоқда. Сўнгги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётибди. Қатор мамлакатларда унга қарши курашиш чоралари кўрилмоқда.

Инсон эркига қўйилган тузоқ



Мамлакатимизда ҳам ушбу жиноятга барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий норматив база шакллантирилди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан мамлакатимизда мазкур глобал муаммога қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганлар ҳимояланиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Президентимизнинг жорий йил 30 июлдаги "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан ушбу тизим янада такомиллаштирилди.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта миқдорни ташкил этмоқда. Ҳар йили жаҳон миқёсида тахминан 2.700.000 киши ушбу жиноят жабрланувчисига айланмоқда. 600.000 дан 800.000 нафарга аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Бундай ноҳуш ҳолатлар, афсуски, республикамизда ҳам мавжуд...

Инсон яхши умидлар билан яшаши керак. Ҳар биримизнинг маслагимиз ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, оиламизга ҳалол ҳукма олиб кириш бўлганида, бу каби жиноятларга ўрин қолмасди. Минг афсус, орамизда меҳнат қилмасдан ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай қабиҳ йўлдан қайтмай диганлар бор. Хатто арзимас, ҳолпул учун ўз фарзандидан, зурриёидан веза чекаётганлар ҳам учраб турибди.

Асли хоразмлик бўлган Нарғиза Ёқубова худди шундай номуссиз ишга қўл урди. Бор-йўғи минг АҚШ доллари учун ўз жигарбандини нияти номаълум кимсалар қўлига топширмоқчи бўлди. Ўтган йили 22 октябр кунини соат тахминан 15⁰⁰ларда Яшнобод тумани, "Пахлавон Маҳмуд" кўчасида жойлашган "Илтифот" кафеда вояга етмаган (2017 йилда туғилган) фарзанди Ш.Мавлонбековни олиб келиб, фуқаро Ш.Ражаповга келишилган маблағ эвазига сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Судда у ўзига эълон қилинган айбга икор бўлиб, пулга муҳтожлиги туфайли шундай

қилишга мажбур бўлганини айтди. Афсуски, буни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Наҳотки, тинч-осойишта юртда биригина болани вояга етказиш шунчалик машаққат бўлса?

Наманганлик Шаҳрибону Мирзаеванинг қилмиши эса бундан-да оғир. У аввал ҳам тўрт мартаба судланган. Аммо тегишли ҳулосани чиқариб олмаган экан. Гапни гапир уқанга, деб шунга айтсалар керак-да. Бу аёл БААнинг Дубай шаҳридаги шериклари билан тил бириктириб, иш излаётган, пулга муҳтож қизларни топиб, уларга жўнатиб турган. Йўл ва виза ҳаражатларини ўзи тўлаш орқали ёш қиз-жувонларнинг ишончига кириб, "Эртақлар мамлақати"да уларни танфурушлик қилишга мажбурлашган. Шу ўринда савол туғилди: ўз чиркин мақсади йўлида "ов"га чиққан бу аёл қизларни сеҳр-жоду билан жўнатиб берганми? Акс ҳолда, одам савдосининг аянчли оқибатлари ҳақида шунча тарғиботу ташвиқот ишлари олиб борилаётган бир пайтда йўл ва виза ҳақини ўзи тўлаб беришини айтгач, бу аёлдан шубҳаланмиш керак эди-ку! Демак, юртимизда одам савдогарларнинг кўпайишига сабаб бўлаётганлар ҳам бегона эмас, булар — ё ўта гўл ёки тез ва осон пул топсам бўлди, дея ўз қадр-қимматини ўйламайдиганлар экани ҳеч кимга сир эмас.

Қисқаси, юртдошларимизни хушёрликка, огоҳликка даъват этарканмиз, бундай воқеалар ризқни ўзга юртдан излаётганларга, хусусан, хотин-қизларимизга сабоқ бўлишини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Қолаверса, одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарлар қонун олдида жавоб бериб, тегишли жазони олишдан ташқари, Яратқоннинг ҳам қаҳрига учрайди. Имом Бухорийдан шундай ривоят қилинди: "Аллоҳ таоло: "Уч киши борки, қиёмат кунини мен уларга хусуматчиман дейди. Булар — менинг номимдан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган, хур кишини сотиб пулини ейдиган ва мардикор ёллаб, ишлатиб, ҳақини бермаган қизилларди".

Баҳридин ИКРОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси.

Матбуот анжумани

АГРОБАНК: салмоқли инвестицион лойиҳалар бор

Мамлакатимизда инвестиция иқлимни яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайси ҳудудда бўлмасин инвестиция киритиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш асосий вазифамиз бўлиши керак, дея таъкидлайдилар. Буларнинг бари халқимизнинг фаровон турмуши, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун амалга оширилаётган хайрли мақсадга қаратилган.

Республикамиз молия муассасаларида ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида қатор

чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Хусусан, "Агробанк" АТБ жорий йилнинг ўтган даврида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида жами 3,9 триллион сўм миқдорда маблағ ажратган. Айни пайтда инвестиция мақсадлари учун йўналтирилган кредит қўйилмасининг қолдиғи 6,9 триллион сўмни ташкил этмоқда.

— Муассасамиз томонидан ўтган ўн бир ой мобайнида ажратилган 3,9 триллион сўм миқдорда-

ги инвестиция кредитларини 48 фоизи саноатга, 14 фоизи қишлоқ ҳўжалигига, 5 фоизи иқтимоий таъминот ҳамда иқтисодий тармоқларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга, 33 фоизи қурилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди, — дейди "Агробанк" АТБ бosh менежери Абдурахмон Шеров. — Жорий йил банк йirik инвестиция лойиҳалари — тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати йўналишида ҳам кенг қўламли иш олиб

борди. Масалан, Қашқадарё вилоятидаги "Китоб ил йигирув" АЖнинг қиймати 27 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаси молиялаштирилди. Бу орқали йилга 38 миллион АҚШ доллари миқдордаги 11 минг 200 тонна қалава ил ва 10 миллион погонметр ёки 15 миллион АҚШ доллари миқдордаги тайёр мато маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ёки "Бухоро вилоятидаги "Веб-кент тола кластер" МЧЖнинг қиймати 25 миллион АҚШ доллари миқдордаги лойиҳасини олайлик.

Ушбу корхонада тўқимачилик кластер фаолиятини ташкил этиш учун Германиянинг "Тручлер" компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилган ва бу 9900 тонна қалава ил ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундай лойиҳаларимиз талайгина. Мазкур ишлаб чиқариш корхоналари бизнес лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида худудларда қўлаб янги иш ўринлари яратилди.

Хозирги кунда "Агробанк" АТБ 12 дан ортик хорижий банклар билан вакиллик алоқалари ҳамда 10

Х. АҲМАДЖОНОВА.

Унутмоқ осонмас уларни

Шу нуқтаи назардан бетимсол адиб Абдулла Қодирийнинг "Уткан кунлар" романида юз берадиган фожиага назар ташлайлик. Хўш, Кумушбинининг ўлими, мажнунна Зайнаб кўргулиги, Отабек ва Ёдгорбеклар тақдири, умуман, якка-ю ягона, комил фарзандларидан ажралган икки покиза оила фожиасида кимни айблamoқ керак? Умуман, бу иш, шу амалнинг ўзи керакми, шартми?

Роман асосида суратга олинган дастлабки кинофильми кўрган аксарият одамлар бу фожиада Ўзбек олимни айблашларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Холбуки, бу натижа, аввало, фильм режиссёрининг, қолаверса, мазкур роль ижроси Марьям Ёкубова талқинининг ҳосиласи эканини бу одамлар ўйлаб ҳам кўришмайди.

Романи ўқиган дидли китобхон эса Ўзбек олим характерига хос жиҳатларни, бу аёлнинг Тошкент киборлари орасида тутган ўрнини, ўғли Отабек тақдирига бефарқ бўлмаслиги, охир-оқибат, Ўзбекнинг бир онаси сифатида ўғли Марғилонда қилиб келган ишни дастлабга ҳеч ҳазм қила олмаслиги, ҳазм қилиши мумкин ҳам эмаслигини яши ҳис қилади. Бу китобхон, ниҳоят Тошкентга келган келини Кумушни қаршилаб бағрига босар экан, Ўзбек олимнинг елкалари нима учун ички йиғидан титраётганини ҳам, аслида бу йиғи ўзи қилиб кўйган ишнинг қанчалар хато бўлганини бирдан англаган, шунинг баробарида бўлажак фожиани юракдан ҳис қилган она қайғуси эканида теран тушунади. Ўзбек олимга нисбатан эълон қилинган айбловга қарши чиқади.

"Уткан кунлар" деганда фақат кинофильми кўз олдида



келтирадиган яна бир гуруҳ мухлислар фожиа айбдори сифатида икки қўллаб Зайнабни кўрсатишлари ҳам кўп кузатилади. Улар бир муддат ўзларини Зайнабнинг — Тошкентдек шаҳри азимнинг энг сулув қизларидан бири, не-не хонадонлардан келган совчилар етиша олмаган, Ҳасаналига аравани кўштириб, "марғилонлик анди"дан ўғлини совутар даражада чиройли келин излаган Ўзбек олимнинг назарига тушган, содда ва самимий қизнинг ўрнига қўйиб кўрсинлар-чи?! Не умидлар билан келинчақлик либосини кийган бу қизнинг ёзуғи недирки, шарый никоҳига олган эри бирор мартаба у билан ёстикдош бўлмаса, бирор мартаба сочини силаб эркаламаса, минг бир баҳона билан кунини кўчада ўтказиши қанда қилмаса... ва уялмай-нетмай "мижозим ожиз" деган ёлғонни ишлатса...

Агар Зайнаб инсоний, аёлий ҳис-туйғудан бебаҳра, хотиллик учун яратилган бир кимса бўлса, нима учун мажнунна — жинни бўлиб қолди, не ҳис унинг бир йилдан кейин хотини қабри устига кел-

ган Отабегини кечаси беҳалдо топиб йўқлашига сабабчи бўлди? Энди айтинг: шу Зайнабни — чорасиз мажнунани айблаш — унга нисбатан яна бир жафони раво кўриш бўлмайди?

Айримлар Юсуфбек хожида керак пайтда қатъият етишмаган, ўжар, дали-ғули хотинини жойига қўйиб қўйиш қўлидан келмаганини иддао қилиши ҳам ўзларига эп кўришади. Холбуки, миллатнинг улғу вакили тимсоли янглик кўз олдимизда гавдаланадиган бу инсон ҳар бир кишининг, хусусан, бошига "келин ташвиши" тушган хотинининг ҳам инсоний истақларини, орзу-умидларини яқиндан ҳис қилади, шундай табиий истақларни-да яшаш ҳуқуқини хурматлайди. Бир ёқдан марғилонлик келиннинг Тошкентга юборилиши пайсалга солинаётганидан, иккинчи ёқдан ягона ўғлини элга тўй бериб уяланиш истаган хотинининг қистовларидан зада бўлган, энг муҳими эса — ўзининг оиласидан лабсизлик чикишини ўзига эп билмаган Ҳожи охирига қадар икки ке-

лин — кундош ўртасида пайдо бўлиши аниқ зиддиятларнинг олдини олишга уринади. Қолаверса, роман ходисалари кечаётган давр учун кўпхотинлик бугунгидек сескантирувчи, лабзни бузишга арзигулик фавқулдод ҳолат саналган эмас.

Чинакам халқ мураббияларидан бири, раҳматли шоира ва воиз опамиз Турсуной Содикова ўзининг жонтортар маърузалари ҳамда ниҳоятда ўқишли китобларида бу масалада Отабекни судла-

шу фидойи кўнгли билан, мард ва олижаноб характери билан, буюк шафқати ва садокати билан дунё адабиёти образлари қаторидан ўзига муносиб жой эгаллай олган!

Қолаверса, агар адабий асар ва унинг қаҳрамонлари хатти-харакатларига Турсуной опадек соф ҳаётий позициядан ёндашадиган ва бунда "фожианинг олдини олиш мумкин эди-ку" деган, у кишига хос самимий истақдангина келиб чиқадиган бўлса, "Уткан кунлар" романи ҳам ёзилмас, агар ёзилса, унинг ходисалари мутлақо ўзга ўзанларда кечган бўлур эди. Бошқача айтганда, роман қаҳрамонларининг ҳар бири айнан шундай одамлар бўлгани, ёзувчи даҳоси уларни айна даражада ишонарли ярата олгани тўғриси ҳам асар шунчалар ўқишли, ўзига тортувчи, мудом муҳокама этилувчи ўлмас китоб мақомига эришган.

Умуман, "Уткан кунлар" романида, биз юқорида бир қисминини эслганимиз мумтоз асарларда бўлгани сингари, шундоқ ҳам мураккаб, чигал, инсон боласи синини ечишга қодир бўлмаган шафқатсиз ҳаёт манзараси яна-да мураккаблаштирилиб, зиддиятлари алоҳида бўрттирилиб, мана шу мураккаблик ва зиддиятлар ичида яшамоғи талаб этиладиган инсоний руҳ эврилишлари бутун палитраси билан акс эттирилади. Айтганимиз жўн, содда ва сохта асарлардан фарқ қилароқ, бундай китобларни бир ўқишда "ямламай ютиш", идрокка осонгина сингдириш мумкин эмас. Яна бир бор Навоий ҳазратлари: "Кўзни ўқуш саъй ила забт этгамен, Етса кўнгил забтига иш, нетгамен!?" деганларида айнан шундай — кўз забтига эмас, кўнгил забтига қаратилган асарлар қайғусини қилганларини яқиндан ҳис этамиз...

Абдулла Қодирийни ҳам ўзи яшашга маҳкум бўлган зулмат салтанидан Навоийлар, Г'ётелар, Достоевскийлар даҳоси билан очилган тафаккур кенгликлари парвоз қилмоғи, ана шу буюкларнинг нури қаҳқашонига қўшилмоғини таъминлаган эзгу қайғулар шулар бўлса, ажаб эмас.

Раҳмон ҚўЧҚОР,
филология фанлари номзоди,
ТДЮУ доценти в.б.



Самарқанд
вилоят
маърифатпарварлар
жамияти
Жомбой
тумани бўлими
аҳли

барча

ҳамюртларимизни
яқинлашиб келаётган
2020 йил билан
табриклайди.

Янги йил омадли ва
қут-баракали келсин!



Орзулари бир олам болалар қувончи

Мазкур мактаб-интернат ўқувчиларига агентликнинг "Кўнгил кўзи" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Совғалар карвони" хайрия акциясининг турли ширинликлардан иборат Янги йил совғалари ва Брайль алифбосида чоп этилган 38 турдаги китоблар, аудиокитоблар, замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари, спорт анжумлари, мусика асбоблари тантанали топширилди.



Ўқувчилар учун байрам дастурхони ва таниқли санъаткорлар иштирокида байрам дастури ташкил этилди. Мактаб-интернат ўқувчилари томонидан айрилган шеърлар, ижро этилган кўшиқлар байрам тадбирига янада шукҳ улашди. Орзулар, келгусидаги режалари билан ўртоқлашилди. Бу учрашув ўқувчиларга янада куч-қувват, ғайрат, шижоат ҳамда байрам кайфиятини бахш этди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.
ЎЗА ФОТОС

Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонаси жамоаси

азиз юртдошларимизни кириб келаётган

Янги йил байрами билан чин қалбдан
табриклайди.

Янги йилда барча-барчага
сиҳат-саломатлик ва бахт тилайди!



Байрам шукуҳи кезмоқда

Мамлакатимизда Янги йил байрамига тайёр-гарлик авжида. Халқимиз 2019 йилни кўтаринки кайфият билан ўтказиб, 2020 йилни яхши ниятлар билан қарши олишга қизгин таралдув кўрмоқда.

25 декабрдан 8 январгача ҳар куни соат 11.00 дан 22.00 га қадар давом этадиган байрамда бош арча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва "Hyatt Regency" меҳмонхонасига туташ майдонга ўрнатилди.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги маълумотларига кўра, Бош арча жозибасини ошириш мақсадида унга 45 минг ўйин-чок, ранг-баранг чироқлар илинди. Майдон атрофидаги дараклар, деворлар ҳам

рангли чироқларга бурқанди. Турли декорациялар ўрнатилмоқда. Бу ерда асосий байрам тадбирларини ўтказиш учун 2 та сахна, аттракционлар ҳозирланмоқда. 34 та савдо шохобчаси бўлади. Бош

арчанинг тўрт томонида кичик арчалар ҳам ясалди. Янги йил байрами пойтахтимизнинг барча туманларида ҳам бирдек кўтаринки кайфият билан нишонланади. "Тошкент-Сити"нинг қоқ

марказида 24 метр баландликдаги арча ўзининг ноодатий безаклари, бетакрор манзараси билан юртдошларимизда зўр таассурот қолдирмоқда. Байрам арафасида бу ерга ташриф буюрувчиларни қутилмаган совғалар кутмоқда.

25-26 декабрь кунлари Тошкент марказида Қорбобо ва Қорқизлар сайли ўтказилиши режалаштирилган. Янги йил совғалар билан янада файзли бўлади. Шу мақсадда байрам ташкилотчилари 27-29 декабрь кунларини ҳазил ва совғалар кўни сифатида нишонлашни мақсад қилган.

Шунингдек, "Анҳор-Локомотив" маданият ва истироҳат боғида, Алгоритм даҳасидаги "Roison Electronics" корхонасида, "Халқлар дўстлиги"

санъат саройида, "Хумо арена" — муз саройида, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази (собиқ "Авиасозлар" саройи) биноси олдидаги майдонда, Тошкент ҳайвонот боғи олдидаги майдонда, Сергели туманидаги "Green park" маданият ва истироҳат боғи худудидаги майдонда, "Ашқобод" сайилгоҳида, Мирзо Улуғбек маданият ва истироҳат боғида, Бектемир тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказида, Яққасарой туманидаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси биноси олд майдонида Янги йил байрами тантаналари ташкил этилади.

А. СОДИҚОВ.

► Тафаккур

Табиб касалга қандай муомала этса, олим-да жоҳилга шундай муомала этсун. Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

Чаласавод киши ўзидан паст, нима деса "ҳикмат" деб турадиган одамлар билан ўфатчилик қилишга мойилроқ бўлади.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Одам боласининг қонидан азалдан маърифатсизлик белгилари мавжуддир, уни бар-тароф этмасанг, у тамомилда жаҳолат ботқоғига ботиб кетиши мумкин.

Абдулла ОРИПОВ.

► Тафсилот

Давлат божхона кўмитасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси, "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан йирик миқдордаги гиёҳвандлик воситалари контрабандаси фош этилди.

Наркокуръерлар қўлга олинди

жиноий гуруҳ аъзолари қарийб 6 кг.га яқин гиёҳвандлик моддаларини ичига ютишган экан...

Хусусан, "Тошкент" халқаро аэропортида 4 нафар хорижий фуқаролар — М.Т., С.М., Я.А. ва Н.Н.ларнинг божхона назоратидан ўтиши чоғидаги хатти-ҳаракатлари, безовталаниши божхона ходимлари эътиборини тортди. Аввалига уларнинг қўл юклари ва эғдидаги кийимлари кўздан кеңирилди. Бир қарашда ҳаммаси жойидадек, аммо йўловчилар нимадан безовта эканлиги барибир шубҳали эди.

Шундан сўнг, хорижий йўловчилар аэропортидаги божхона постига ўрнатилган инсон тана аъзоларини сканерловчи "Body scanning" қурилмаси орқали кўздан кеңирилди. Буни қараганки, экрандаги тасвирлар эътиборни тортди. Қурилма ушбу йўловчиларнинг организида, аниқроғи йўғон ичак каналларида ёт жисмлар борлигини кўрсатди.

Мазкур ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ушбу шахслар белгиланган тартибда пойтахтимиз-

ёҳвандлик воситаси яширилганлиги аниқланди.

Тезкор тадбир давомида Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Айритом" чегара божхона постида ҳам яна бир наркокуръер қўлга олинди. М.М.исми шахснинг ички аъзоларида 67 дона овалсимон шаклдаги ўрамларда 1 кг. 42 граммдан ортиқ опий гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди.

Шунингдек, божхоначилар "Тошкент" халқаро аэропорти орқали хорижга йўл олган С.М.нинг қинғир режасини фош этишди. Гап шундаки, ушбу шахс ўз ички аъзоларида 35 дона овалсимон шаклдаги ўрамларда 544,75 граммдан ортиқ героин гиёҳвандлик воситасини яширган экан. Шундан сўнг, тезкор ўтказилган тадбирлар натижасида, унга мазкур гиёҳвандлик воситаларини етказиб берган жиноий шериги, хорижий давлат фуқароси Қ.Р. ҳам ушланди.

Шундай қилиб, божхона ходимлари томонидан умумий оғирлиги 5 кг.739 гр.дан ортиқни ташкил этувчи героин ҳамда опий гиёҳвандлик



даги Шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий марказига олиб келиниб, шифокорлар томонидан ҳолислар иштирокида тиббий қўриқдан ўтказилди.

Қўриқ натижасида 4 нафар йўловчининг ички аъзоларида махсус ўрамлар яширилганлиги аниқланди.

Экспертиза хулосасига кўра, 4 нафар наркокуръерларнинг ички аъзоларида яширилган жами 268 та ўрамлар ичида умумий вазни 4 кг. 152,52 гм.ни ташкил этувчи героин ги-

воситаларини ичига ютган ҳолда олиб ўтмоқчи бўлган жами 7 нафар наркокуръерлар ҳамда мазкур жиноятларнинг асосий ташкилотчилари бўлган 3 нафар хорижий давлат фуқаролари қўлга олинди.

Мазкур аниқланган барча ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов органига юборилди.

Давлат божхона кўмитаси матбуот хизмати.

TURON BANK

«Туронбанк» АТБ жамоаси
жонажон халқимизни кириб келаётган
янги 2020 йил
билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган
барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли
кунларимиз бардавом бўлсин!

**Байрам муносабати билан миллий ва хорижий
валютада пластик карталарни таклиф этамиз**

Туронбанк - Барқарорлик белгиси!

☎ 99895 144-60-00

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист
Тошпўлот АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Hurriyat" газетаси таҳририяти газетанинг Бухоро вилояти бўйича муҳбири Шавкат Носировга волидаи мухтарамаси
МУКАРРАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

HURRIYAT Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси	Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ	Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мақтуларингизни кутамиз.	Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
	Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда	Алади: 3840 Буюртма — V-3990	Топшириш вақти — 20 ³⁰ Топширилди — 21 ³⁰	Обуна индекси: якка обуначилар ва таъкилотлар учун — 233

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилади.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.